



Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2025-yil 5-iyun, payshanba,
66 (24.092)-son

O'zbek xalq
maqoli

Bir
yaxshiga bir
yomon har
yerda bor

Zarafshon

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

www.zarnews.uz https://www.facebook.com/zarnews.uz @zarnews_uz https://twitter.com/zarnews_uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўламини кенгайтириш, фуқароларнинг даромадларини изчил ошириб бориш сиёсатини давом эттириш ҳамда уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида қарор қиламан:

I. Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш

1. 2025 йил 1 июлдан бошлаб пенсиялар ва нафақалар ҳамда кам таъминланган оилаларга болалар нафақалари ва моддий ёрдам тўловлари миқдорлари 10 фоизга оширилсин. Бунда:

(а) ёшга доир энг кам пенсия миқдори – ойига 918 000 сўм этиб;

(б) ногиронлик пенсияларининг энг кам миқдори – ойига 1 012 000 сўм этиб;

(в) кам таъминланган оилаларга болалар нафақасининг ҳар ойлик миқдори:

(i) 3 ёшгача бўлган битта кичик фарзанди учун – 360 000 сўм, 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган битта фарзанди учун – 275 000 сўм;

(ii) оиланинг иккинчи фарзанди учун қўшимча – 165 000 сўм;

(iii) оиланинг учинчи ва ундан кейинги ҳар бир фарзанди учун қўшимча – 110 000 сўм этиб;

(г) кам таъминланган оилалар учун моддий ёрдамнинг ойлик миқдори – 420 000 сўм этиб;

(д) фуқароларга тўланадиган бошқа пенсиялар ва нафақалар миқдорлари иловага мувофиқ белгилансин.

2. 2025 йил 1 августдан бошлаб бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ва стипендиялар миқдори 10 фоизга оширилсин.

II. Базавий миқдорларни белгилаш

3. Қуйидагилар:

(а) 2025 йил 1 июлдан бошлаб пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори – ойига 471 000

сўм этиб;
(б) 2025 йил 1 августдан бошлаб:

(i) меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори – ойига 1 271 000 сўм;

(ii) базавий ҳисоблаш миқдори – 412 000 сўм этиб белгилансин.

III. Молиявий ресурслар

4. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдори оширилиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплансин.

IV. Фармон ижросини ташқиқ этиш, таъминлаш ва назорат

5. Иш берувчиларга иш ҳақи миқдорини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорини меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдorigа мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу Фармоннинг мақсади, вазибалари ва ундан қутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташқиқ қилсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш учун масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

8. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон
Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

2025 йил 2 июнь



Sizlardan umidimiz katta

Kecha viloyat hokimi vazifasini bajaruvchi Adiz Boboev Samarqand shahridagi Prezident maktabi bitiruvchilari bilan uchrashdi.

Davra suhbatida viloyat rahbari yoshlarning ta'lim olishi uchun yaratilayotgan shart-sharoitlar, imkoniyatlarga to'xtaldi. Prezident maktabi o'quvchilarining kelajakdagi orzulari, maqsadlari, Vatana taraqqiyotiga qanday hissa qo'shmoqchi ekanligi bilan qiziqdi.

Maktab o'quvchilari tomonidan yaratilgan

ommaviy moliyalashtirish bozori loyihasi bilan tanishildi. O'quvchilar ushbu loyiha asosida yangi platforma yaratgani, undan barcha daromad olish uchun foydalanishi mumkinligini tushuntirdi. Ushbu loyihani ishga tushirish uchun zarur masalalarda viloyat hokimidan yordam so'raldi.

Bitiruvchi Farzod Majidov "El-yurt umidi" jamg'armasi barcha xorijda o'qishni istovchilarga ko'mak berolmasligi, viloyatda ham chet davlatlarning nufuzli oliy ta'lim muassasalariga o'qishga kirgan yoshlarga ko'maklashuvchi jamg'arma tashkil etish taklifini bildirdi.

- Men hamma vaqt ta'limga sarmoya ajratish tarafdoriman, - dedi A.Boboev. - Ta'limga tikilgan sarmoya ertaga albatta, o'z mevasini beradi. Bu masalani atroflicha o'rganib, "El-yurt umidi" jamg'armasidan ko'mak ololmagan samarqandlik yoshlarga xorijda o'qish uchun moddiy yordam berishga harakat qilamiz.

Uchrashuvda hududlarda ham IT markazi ochish takliflari bildirdi. Adiz Boboev hozircha Samarqand shahar markazi va Qorasuv maskanida zamonaviy IT markazi ochish rejalashtirilganini ma'lum qildi.

Xurshida ERNAZAROVA.

Samarqandning 3000 yilligi asoslanmoqda

Arxeologiya institutida Samarqand tarixi, madaniyati, me'moriy va arxeologik yodgorliklarni o'rganish bo'yicha viloyat hokimligi huzuridagi jamoatchilik Kengashining navbatdagi yig'ilishi o'tkazildi.

Joriy yilning fevral oyida viloyat hokimi vazifasini bajaruvchi Adiz Boboev ziyolilar va tarixchi-olimlar bilan uchrashganda Samarqand tarixini o'rganish, Amir Temur saroyining joylashish o'rnini kompleks tadqiq qilish, tarixiy obektlarni ilmiy o'rganish va restavratsiya qilish bo'yicha aniq vazifalarni belgilab bergan edi.

Institut olimlari, taniqli arxeologlar ishtirok etgan bu galgi yig'ilishda ana shu vazifalar ijrosi haqida so'z yuritildi.

- 2007-yilda Samarqandning 2750 yilligini noshonlagandik, - deydi SamDU dotsenti Mahmud Nas-

rullayev. - Keyingi yillarda arxeolog olimlarimiz tomonidan olib borilayotgan qazishma ishlari natijasida ko'hna kent 3 ming yildan ziyod tarixga ega ekanligi ma'lum bo'ldi. Shahardan 30 kilometr narida joylashgan Ko'ktepa yodgorligida arxeolog olimlarimiz tomonidan olib borilgan qazishma ishlari natijasi aynan shuni isbotlamogda.

Yig'ilishda Ko'ksaroy maydoni, Ko'ktepa va Afrosiyob yodgorliklarida amalga oshirilayotgan qazishma ishlari to'g'risida ma'lumotlar berildi.

To'liqin SIDDIQOV.



“Savdogarlar ustozlari”

kitobini o'qiganmisiz?

Samarqand shahridagi Yoshlar markazida “Yoshlar tadbirkorlik haftaligi” doirasida o'tkazilgan “Biznes marafon”da “Yuksalish” harakati asoschisi Muhammadali Eshonqulov shu savolni o'rtaga tashlab, kim o'qigan bo'lsa, qo'l ko'tarishini aytdi. Zalda yig'ilgan 500 nafarga yaqin yoshlarning aksariyati o'qimaganligi ma'lum bo'ldi.



- O'qimaganlar qo'l ko'targanlarga qarsak chalib qo'ysin, - dedi M.Eshonqulov va zalni qarsak ovozi qopladi. - Kitob o'qish kerak. Aks holda umr bo'yi qarsak chalib yurishlaring mumkin.

Yoshlarni tadbirkorlikka qiziqitirish, biznes imkoniyatlari bilan tanishtirish, shuningdek, bu borada xalqaro hamkorlikni mustahkamlash maqsadida tashkil etilgan tadbirkorlik mam-lakatimiz va xorijda faoliyat olib borayotgan taniqli tadbirkorlar ishtirok etdi.

Pokistonlik tadbirkor Amnah Syeda, “MFaktor” asoschisi Husan Mamasaidov, “FIntellect” loyihasi asoschisi Tamilla Qurbonova, O'zbekistonning birinchi metallurg ayoli Gulbahor Tojimirzayeva hamda boshqa taniqli ish-bilarmonlar o'z tajribalari bilan o'rtoqlashdi. Tinglovchi yoshlarga real keyslar, muvaffaqiyat strategiyalari va startaplarni rivojlantirish masalalari bo'yicha tushuncha berildi.

- Xato qilishdan qo'rqmaslik kerak, - deydi Gulbahor Tojimirzayeva. - Mag'lubiyat muvaffaqiyat uchun qo'yilgan qadam ekanligi isbotlangan. O'zim 17 yoshimda, bun-

Yoshlar oyligi

dan 15 yil avval oliy o'quv yurtiga kirolmay muvaffaqiyatsizlikka uchraganman. Bundan tushkunlikka tushmaganman, aksincha o'qish uchun Xitoyga yo'l olganman. Ta'labalik davrimda metallurgiya yo'nalishida faoliyat olib boradigan xitoylik tadbirkor bilan tanishib, uni yurtimizga taklif qildim. U bu yerdagi imkoniyatlarni o'rganib, investitsiya kiritdi. Shu sababli 25 yoshimda katta bir tadbirkorga, O'zbekistonda yagona metallurg ayolga aylandim.

“Biznes marafon”da qatnashgan tadbirkorlar samarqandlik yoshlarni qiziqitirgan savollarga javob qaytardi.

Kunning ikkinchi yarmida “Global yoshlar forumi” doirasida “O'zbekiston - Pokiston yosh tadbirkorlar forumi” va “O'zbekiston - Xitoy yoshlar forumi” o'tkazildi.

To'liqin SIDDIQOV,
Dilnoza AHMADOVA,
Baxtiyor MUSTANOV (surat).



Қурбон ҳайити — саховат, меҳр- мурувват айёми

Қарорга кўра, 2025 йил 6 июнь Қурбон ҳайитининг биринчи куни ўлароқ байрам сифатида кенг нишонланади. Юртимизда ҳам ушбу байрамни халқимизга хос меҳр-оқибат, инсонпарварлик, шукроналик, саховат ва бағрикенглик каби эзгу фазилатлар тисоли сифатида муносиб ўтказиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг шу йил 30 майдаги қарори асосида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Вилоятимизда ҳам маҳаллий ҳокимликлар ва мутасадди идоралар томонидан Қурбон ҳайитини миллий аҳана ва урф-одатларга уйғун ҳолда ўтказиш бўйича чоралар кўрилмақда.

Байрам олдида вилоятимиздаги муқаддас зиёратгоҳлар ва қабристонларда ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда, ҳайит намози ўқиладиган масжидларнинг ҳавфсизлик ҳолати ўрганилиб, аҳоли учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда.

Бу йил вилоятдаги 285 жоме масжидида Ўзбекистон Муслмонлари идораси томонидан эълон қилинган вақтларда Қурбон ҳайити намози ўқилади. Ҳайит намозини сўнг бу масжидларда тиңчилик, бағрикенглик, дўстлик ва мурувват ҳақида маърузалар қилинади.

Масжидлар ва улар атрофида жамоат ва йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш учун ички ишлар, миллий гвардия ва факулдада вазиятлар хизматлари ходимлари жалб қилинади. Фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида Самарқанд шаҳрида жамоат транспорти ҳар кунгидан эртароқ йўналишларга чиқарилади.

Қурбон ҳайитининг ўзига хос энг улғу фазилатларидан бири қурбонлик қилиш ҳамда ҳаж ибодатини амалга ошириш ҳисобланади. Қурбонлик – муслмонларнинг Аллоҳ таолога бўлган тақво ва муҳаббатининг амалдаги ифодасидир. Қурбонлик амалларини ҳайит намози ўқилганидан сўнг уч кун давомида, яъни 6–8 июнь кунлари амалга ошириш мумкин.

Қурбонлик қилинган жонлик гўшти ўз оила аъзолари, қўни-қўшни ва қариндошлар, муҳтожларга тарқатилади. Шунингдек, қурбонлик гўшtidан таом тайёрлаб,

елга улашиш мумкин. Лекин бу тадбирларни асло дабдабозлик, ҳашамат билан ўтказиш жоиз эмас. Айни пайтда имом-хатибларимиз томонидан аҳолига қурбонлик тартиб-таомиллари тушунтирилиб, бу тадбирни саховат ва мурувват тарзида ўтказиш зуосидан тавсиялар берилмоқда.

Муқаддас динимизнинг улғу ибодат саналимиш Ҳаж амалларининг жорий йилда 930 нафар самарқандлик юртдошларимиз ҳам адо этмокдалар. Улар Самарқанд шаҳридаги махсус авиа рейслар орқали Саудия Арабистонига кузатилиб, айни пайтда Макка ва Мадина шаҳарларида бўлиб турибдилар.

Жорий йилги Ҳаж мавсумининг муҳим янгилиги – Президентимиз муфтий ҳазратлари билан телефон орқали мулоқот қилиб, ҳожилар ҳолидан хабар олганлари бўлди. Бу тарихий воқеа нафақат ҳожиларимиз, балки бу тўрт халқимизнинг қалбида катта руҳий қувонч уйғотди.

Аллоҳ таоло юртимиздаги тиңчилик ва осийшталикни бардавом қилсин!

Қурбон ҳайити ва Ҳаж ибодатлари ҳар биримиз учун маънавий юксалиш, Аллоҳга яқинлашиш ва инсонлар ўртасида меҳру оқибатни мустаҳкамлашга сабаб бўлсин! Қурбон ҳайити барчамизга муборак бўлсин!

Аҳмадхон АЛИМОВ,
вилоят бош имом-хатиби.

Пахтачида барча кўрсаткичлар яхши бўлади

Туманда биринчи раҳбар бўлиб иш бошлаганимга ҳадемай олти ой бўлади. Демакки, қарийб ярим йил ортда қолмоқда. Бу амалга оширилган ишлар, галдаги режалар ҳақида ҳисобот бериш учун қулай фурсат деб ўйлаб, айрим факт ва рақамларни бўлишишни лозим топдим.



2024-йил якунлари бўйича меҳнат ресурслари баланси таҳлил қилинганда, аҳолининг 74,5 минг нафари меҳнат ресурслари, 58,8 минг нафари иқтисодий фаол, 15,7 минг нафари иқтисодий нофаол, 55,4 минг нафари банд аҳоли (29,7 минг нафари расмий секторда, 23,1 минг нафари норасмий секторда ҳамда 2,6 минг нафари хорижда вақтинча ишлаётганлар), 3440 нафари ишсизларни, ишсизлик даражаси 5,8 фоизни ташкил қилди. Туманда 2747 та камбағал оила мавжуд бўлиб, камбағаллик даражаси 8 фоиз.

Жорий йилда аҳоли бандлигини таъминлаш, кам таъминланган оилаларни камбағалликдан чиқариш, тадбиркорликни ривожлантириш борасида белгилаб берилган молиявий инструментлар, давлат мақсадли жамғармаларидан фойдаланган ҳолда бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, бандлик дастури асосида 3697 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланиб, тўрт ойлик режа 116,7 фоизга бажарилди.

Шунингдек, 77 нафар ишсиз фуқарога субсидия асосида 546 миллион сўмлик асбоб-ускуналар тарқатилди.

Бундан ташқари, 808 нафар ишсиз фуқарони касб-хунарга жалб қилиш прогноз қилинган. Жорий йил январь-май ойларида 354 нафар ишсиз фуқаро касб-хунарга ўқитилди.

Ҳоким ёрдамчилари ва маҳаллаларга бириктирилган банк ҳодимлари билан биргаликда сафарбарлик даврида аҳолига микролойҳаларга мувофиқ, парранда, чорва моллари, асалари қутилари, ихчам иссиқхоналарни етказиб бериш ва бошқа қўшимча даромад манбаларини яратиш, туман ҳокимликлари билан бирга аҳоли томорқаси ва деҳқон хўжалиқларида сердаромад қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экиш мақсадида 8 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди.

Мазкур чора-тадбир натижасида ишсизлардан 1049 нафарининг бандлиги таъминланди. Жумладан, 661 нафари кредит ажратиш ҳисобига ўзини ўзи банд қилди, 158 нафари касб-хунарга ўқишга йўналтирилди, 9253 та хонадон томорқаларига ҳамда ижарага берилган 543 гектар ер майдонларига эртаки экинлар экилди.

Аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1730 та камбағал оилага 989 та хизматлар кўрсатилди. 306 та оилада қўшимча даромад манбаи яратилди, 197 та оила таълим ва касб-хунарга йўналтирилди, 156 та оилага кафолатланган тиббий хизмат кўрсатилди, 53 та хонадон инфратузилмаси, 66 та оиланинг яшаш шароити яхшиланди, 211 та оилага ижтимоий хизматлар кўрсатилди.

Оғир тоифадаги маҳаллаларда томорқа ерларини суғоришни яхшилаш лойиҳаларини ишга тушириш юзасидан тумандаги 7 та маҳаллада 16,5 миллиард сўм ҳисобига 1134 та хонадон оқова сув билан таъминланди.

"Зарбдор тажрибаси" асосида саноат, савдо, хизмат ва замонавий агротехнологиялар соҳасида 6 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган. Лойиҳаларнинг бажарилиши учун 113 миллиард сўм талаб этилади, шундан 90 миллиард сўм ташаббускорларнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилиши режалаштирилган. Натижада 450 та янги иш ўрни яратилди ва бюджетга 9,6 миллиард сўм қўшимча маблағ туширилди.

Президентимизнинг 2024-йилда Бухоро вилоятига ташириш чоғида Ғиждувон тажрибаси асосида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида туманда 6 та маҳаллада 6 та лойиҳа амалга оширилди.

Лойиҳалар бажарилиши учун 1 миллиард 450 миллион сўм маблағ талаб этилади. Жумладан, Сардоба маҳалласида жойлашган "Жавоҳир асл ширинликлар" хусусий корхона-

си томонидан қиймати 200 миллион сўм бўлган қандолотчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасини ишга тушириш орқали 5 та янги иш ўрни яратилди.

Жорий йилда 6 та корхонада қиймати 135,3 миллион долларлик инвестиция лойиҳалари шакллантирилган. Шунингдек, 5 та қўшимча лойиҳа ҳисобига қиймати 18 миллион долларлик тўғридан тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилди.

Бу каби чора-тадбирлар натижасида биринчи чорак якуни билан 8 миллион 578 минг долларлик маҳсулот экспортга чиқарилди.

Ушбу йўналишда гап кетганда жорий йил туманда фаолият олиб бораётган 2 та корхона экспортга йўналтирилганини алоҳида эътироф этиш лозим. Бундан ташқари, "Алишер поллиз экинлари" фермер хўжалиги томонидан Қозғоғистоннинг Туркистон вилоятида савдо ўйи очилди.

Масалан, "Фаянз уют агро инвест" корхонасига экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 минг доллар кредит олиши учун амалий ёрдам бериш ҳисобига жорий йил корхона экспорт кўрсаткичини 1 миллион 500 минг долларга чиқаради. Бундан ташқари, туманда мавжуд иссиқхона хўжалиқлари билан биргаликда мева-сабзавот экспорт ҳажмларини кўпайтириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Албатта, иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш билан бирга коммунал хизматларга ҳам алоҳида эътибор талаб этилади. Зеро, айна соҳалардаги сифат ва самара аҳоли кайфиятини, пировардида давлат сисёсатида бўлган муносабатни шакллантиради.

Шу боис туман аҳолисининг газ таъминотини яхшилаш бўйича жорий йилнинг дастлабки 4 ойида 2,6 километр тармоқ реконструкция қилинди. Утган йилнинг мо даврига нисбатан 173 фоизга ўсган бу кўрсаткич йил якунига қадар яна кўпаяди.

Бундан ташқари, қайд қилинган даврда аҳолининг 1329 тонна суюлтирилган газ етказиб берилди. Туман аҳолисининг электр таъминотини яхшилаш мақсадида 2 та янги трансформатор ўрнатилиб, 3,2 километр янги тармоқ тортилди, 6 та трансформатор ва 19,2 километр тармоқ мукамал таъмирланди, 13 та трансформатор ва 27,1 километр тармоқ жорий таъмирланди. Йил якунига қадар яна 4 та янги трансформатор ўрнатилиши ва 8 километр янги тармоқ тортилиши, 55 та трансформатор ва 143,9 километр тармоқ мукамал таъмирланиши режалаштирилган.

Тоза ичимлик сувини етказиб бериш мақсадида мавжуд 6 донна сув насоси таъмирланди, маънан эскирган 15 донна задыжжалар ангиесига алмаштирилди. Иншоотлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида масофадан узатилади-гин 4 та камера ўрнатилди, иншоот ҳудудига 6 донна тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди, иншоот ҳудудлари ободонлаштирилди.

Келгуси ойларида 20 километр маънан эскирган ичимлик суви тармоқлари реконструкция қилинади.

Дарвоқе, айна пайта туманнинг Истиклол ва Бодой маҳаллаларида 230 хонадонли 4 та кўп қаватли уй қурилмоқда. Айтиш мумкинки, туманда шунча оила 2026-йилни янги бошлана, янги тураржойда кутиб олади.

Туманда аҳоли турмуш шароитларини яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий вазиятини янги даражага кўтариш бўйича аниқ мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари қўлни-қўлга бериб иш олиб борапти. Айна пайта фаолиятимизнинг дастлабки натижалари буй кўрсатмоқда.



Насиб қилса, йил якунида дастлабки хулосаларни қилиб оламиз.
Қаюм ХУШБОҚОВ,
Пахтачи тумани ҳокими.

Вилоят коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.
Ҳудудий кенгаш раиси Ш.Негматов олиб борган йиғилишда кенгаш аъзолари, вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик ҳамда солиқ бошқармалари раҳбар ва ҳодимлари иштирок этди.

Вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси тизимида коррупцияга йўл қўйиши мумкин бўлган ҳолатлар кўриб чиқилди.

Таъкидланганича, янги иш ўринлари яратиш ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида 2023-2024-йилларда ва жорий йилнинг 4 ойида вилоятдаги банк муассасалари томонидан 98 минг фуқарога 1 триллион 803 миллиард сўм кредит ажратилган, 12,1 минг нафарига 63 миллиард сўмлик субсидия берилган ва 207 минг нафари касб-хунарга тадбиркорликка ўқитилган. 2024-йил ва жорий йилнинг 4 ойида 433 мингта янги иш ўрни ташкил қилиниб, ишсизлик даражаси 6,6 фоиздан 5,4 фоизга камайган ҳамда 11,6 минг оила камбағалликдан чиқарилган.

Бироқ таҳлиллар аҳоли банд-

Айрим ҳоким ёрдамчилари ночор оилалар ҳақини ўғирлади



лигини таъминлаш ва даромадларини оширишда рақамлаштириш ва янгича ёндашувлар жорий қилиниши билан бирга соҳада манфаатлар тўқнашувига оид ҳамда коррупцияга мойил бўлган муносабатлар сақланиб қолаётганлиги, айрим йўналишларда кўпайиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, бир гуруҳ ҳоким ёрдамчилари ҳалол ишлаш ўрнига ишсизлар ёки ночор оилалар ҳақини ўғирлашни касб қилиб олган. Оқибатда улар жиноий жавобгарликка тортилган. Бундай ҳоким ёрдамчилари сони 2023-йилда 14 нафарни ташкил этган бўлса, 2024-йилда 30 нафарга етган, 2025-йилнинг 4 ойида эса 19 нафар бўлган. Талон-торож қилинган субсидия, нафақа ва кредит маблағлари миқдори эса 2023-йилдаги 1,3 миллиард сўмдан 2024-йилда 4,2 миллиард сўмга, 2025-йилнинг 4

ойида 3 миллиард сўмга етган.

200 нафарга яқин ҳоким ёрдамчилари иқтисодий жиноятларни содир қилган, уларнинг бир гуруҳи бу турдаги қилмишлар учун такрор жиноий жавобгарликка тортилган. Ажабланарлиси, бугунги кунда улардан 17 нафари пробация ҳисобида туриб, суд томонидан тайинланган жазони ўтамоқда ва 5 нафари лавозимда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинганлигига қарамасдан ўз жойида ҳамон ишлаб келмоқда.

Йиғилишда ишсизликнинг олдини олиш, бандликни таъминлаш борасидаги ишлар ҳам таҳлил қилинди. Таъкидланганича, тартиб-таомилга кўра, ишсиз фуқароларни иш билан банд қилгани учун корхоналарга асбоб-ускуналар сотиб олишга субсидиялар ажратилади. Бироқ, амалда иш билан банд бўлган ёки ўзини-ўзи банд қилган 155 нафар фуқаро учун базавий ҳисоблаш

миқдорининг 30 баробаригача миқдорда субсидиялар берилган.

Бундай ҳолатларга Каттакўрғон, Нуробод, Нарпай, Жомбой, Оқдарё, Булунғур, Самарқанд ва Пяярқанда йўл қўйилган.

Бандлик вазирлиги томонидан ишсизларни касб-хунарга ўқитиш учун ажратилган 123 миллион ва жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар учун 168 миллион сўм маблағ талон-торож қилинган.

Йиғилишда вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси бошлиғи Темур Маҳмудов юқоридаги коррупцион ҳолатлар бўйича изоҳ берди. Уларни бартараф этиш, тизимни коррупциядан холи бўлган соҳага айлантириш мақсадида ишларни қайтадан кўриб чиқиш бўйича таклифларини билдирди.

Шунингдек, вилоят солиқ бошқармаси бошлиғи Э.Толлиев ҳудудий кенгашининг аввалги йиғилишида айтилган камчиликларни ҳал этиш, солиқ ҳизмати турларини рақамлаштиришни таъминлаш, бозорлар фаолияти кузатувини ситуатсион марказга улаш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берди.

Йиғилишда жойларда коррупцион ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, соҳаларни рақамлаштириш, очиқлик ва ҳисобдорликни таъминлаш бўйича раҳбарларга аниқ вазифалар белгиланди.

Акрам ҲАЙДАРОВ.

Халқ vakillari joylarda

О'тган hafta Oliy Majlis Qonunchilik palatasi deputalari aholi muammolarini joyiga chiqib o'rgandi.

Хусусан, 34-Samarqand saylov okrugidan Oliy Majlis Qonunchilik palatasiga saylangan deputat A.Aslanov Samarqand, Toyloq tumanlaridagi saylovchilar bilan uchrashdi.

Dastlab deputat Samarqand tumani-dagi Angarolmas, Qo'shmachit, Toyloq tumanidagi Olmazor mahallalaridan kelib tushgan murojaatlar yechimi bo'yicha viloyat sog'liqni saqlash boshqarmasi boshlig'i S.Zayniyev bilan uchrashdi. Uchrashuv davomida Toyloq tumani Olmazor mahallasida yashovchi fuqarolar tomonidan hududda bog'cha masalasi murojaati bo'yicha sog'liqni saqlash boshqarmasi balansida bo'lgan va bugungi kunda bo'sh turgan qishloq vrachlik punkti tuman hokimligi balansiga berish va u joydan bolalar bog'chasi qurish masalasi ijobiy hal etildi.

Bugungi kunda har bir iste'molchi maishiy gaz balloni o'z vaqtida hamda maxsus ID kartalar orqali olishi lozim. Shu bilan birga maishiy gaz ballonlarni xavfsiz va zarar yetkazmasdan, muddatidan kechiktirmay aholi xonadonlariga tarqatishi mahalla mas'ullari, deputatlarining muntazam nazoratida.

Shu maqsadda Oliy Majlis Qonunchilik palatasi deputati Abdulla Aslanov Samarqand, Toyloq tuman gaz ta'minoti idorasi faoliyati bilan tanishdi. Uchrashuv davomida deputat mazkur tumanlar gaz idoralari ishchi-xodimlari faoliyati bilan tanishdi, aholiga yetkazib berilayotgan gaz ballonlar yaroqliligi holatini o'rgandi.

TALAB QANDAY, HOLAT-CHI?

Oliy Majlis Qonunchilik palatasi deputati Abdulla Aslanov tuman Kengashi deputatlari hamda O'zLiDeP viloyat kengashi mas'ullari bilan birga Toyloq tumani maktabgacha va maktab ta'limi bo'yimi faoliyati bilan tanishdi. Uchrashuv davomida ta'lim tizimida amalga oshirilayotgan islohotlar to'g'risida suhbatlashildi. Bugungi kunda tumanda 61 ta umumta'lim maktabi va 45 ta davlat maktabgacha ta'lim tashkiloti mavjud.

Joriy yilda 2540 nafar bitiruvchi maktabni tugataypti, - deydi tuman maktabgacha va maktab ta'limi bo'yimi boshlig'i O'lmas Usmonov. - Ayni paytda 311 nafar bitiruvchi o'quvchilarda milliy va xalqaro sertifikatlar bor. Hozirda ta'lim berayotgan 3100 nafar o'qituvchi pedagoglardan 291 nafari 8 million so'mdan 20 million so'mgacha maosh oladi.

Toyloq tumanidagi Madaniyat mahallasi



aholisi ekinlarini sug'orishda qiynalayotgan edi va tegishli tashkilotlar bilan gaplashilib, Madaniyat aholisi uchun darg'om kanalidan suv yo'lga ajratib berildi.

Tumandagi Fayziobod mahallasi aholisidan kelib tushgan murojaat bo'yicha joyiga borib o'rganildi va mahallaga ichimlik suvi tarmog'i tortish ishlari jadallashtirildi. Deputatga tushgan murojaatlar to'liq nazoratga olini va tegishli tashkilotlarga deputatlik so'rovlar yuboriladigan bo'ldi.

MAHALLA YETTILIGI O'RGANILDI

Oliy Majlis Qonunchilik palatasi deputati Botirali Shodiyev Past Darg'om tumani Shombuloq mahallasi yettilligi tomonidan amalga oshirilayotgan ishlar bilan tanishdi.

Uchrashuv davomida 4 mingdan ziyod aholining ijtimoiy hayotiga muh-to'q qatlamini muhofaza qilish, yangi ish o'rinlarini yaratish, mahalladagi 725 ta xonadondagi ko'kalazmorlashtirish, "Yashil makon" umummilliy loyihasi doirasida ekilgan 500 tupdan ziyod mevali va manzarali daraxt ko'chatlarini parvarishlash, huquqbuzarlik va jinoyatchiliklarning oldini olish, xotin-qizlar bandligini ta'minlash masalalari yuzasidan kechiktirib bo'lmaydigan vazifalar belgilab olindi.

Ekologik madaniyatni oildan boshlash, "Yashil belbog'"lar yaratish borasida amalga oshirilayotgan ishlar ko'lamini kengaytirish bo'yicha tavsiyalar berildi.

BULUNG'URLIKLARNI NIMA QIYNAYAPTI?

Oliy Majlis Qonunchilik palatasi deputati Azamat Pardayev aholining yashash sharoiti, ehtiyojlari va ularni qiynayotgan muammolarini o'rganish maqsadida Bulung'ur tumanining G'o'bdin, Lalmikor, Nurlu yo'li mahallalarida bo'lib, saylovchilari bilan uchrashdi.

Muloqatlarda G'o'bdin mahallasidan o'tuvchi ko'chaning 5 kilometr qismi ta'mirlanib, eskirgan simyog'och ustunlarni almashtirish zarurligi, Lalmikor

mahallasida esa ichimlik suvi ta'minoti bilan bog'liq kamchiliklar mavjudligi ma'lum bo'ldi va saylovchilar tomonidan ko'tarilgan qator muammolar tumandagi tashkilotlar mas'ullari, mahalla faollari ishtirokida joyida o'rganildi.

Jumladan, tumandagi 31-umumta'lim maktabining avtobusi ijara natijasida ajratilgan aniqlanib, mutasaddi tashkilot bilan olib borilgan muzokara asosida ijara muddatini uzaytirishga kelishildi hamda tegishli hujjatlarini rasmiylashtirish ishlari boshlab yuborildi. Shuningdek, 23-umumiy o'rta ta'lim maktabini ta'mirlash uchun davlat dasturiga kiritish bo'yicha berilgan takliflar ham ko'rib chiqildi.

Uchrashuvlarda bildirilgan har bitta murojaat va taklif nazoratga olinib, ular asosida mutasaddi tashkilotlar bilan hamkorlikda tizimli ishlarni amalga oshirish belgilandi.

ISHTIXONLIK TADBIRKORGA YORDAM KERAK...

Oliy Majlis Qonunchilik palatasi deputati H.Yarqulov Ishtixon tumanidagi Qayirma mahallasida joylashgan "Rahmat ota" xususiy tibbiyot markazida bo'ldi.

Markaz direktori tomonidan faoliyatini kengaytirish loyihasini amalga oshirish uchun bankdan imtiyozli shartlarda bank krediti zarurligi va avvalgi 1,1 milliard so'm miqdorda olingan kredit uchun garovga qo'yilgan 3 ta binodan bugungi kunda 280 million so'm miqdorda kredit qoldig'iga mos bitta binoni garovda qoldirgan holda 2 ta binoni yangi olinadigan kredit uchun garovga qo'yish maqsadida ularni garovdan chiqarish chorasini ko'rishda amaliy yordam so'raldi.

Murojaatda keltirilgan masalani tegishli tartibda ma'sul vazirlik va bank vakillari bilan hamkorlikda yechish yuzasidan vazifalar belgilab olindi.

Partiyalar viloyat kengashlari ma'lumotlari asosida tayyorlandi.

5-iyun - Butunjahon atrof-muhitni muhofaza qilish kuni



Tabiat xatolarni kechirmaydi

Butunjahon atrof-muhitni muhofaza qilish - ona-yerimizni saqlab qolish, insonlarni qashshoqlikdan xalos qilish, iqtisodiy yuksalish... bularning hammasi bitta kurash doirasida erishiladigan maqsadlardir. Iqlim o'zgarishiga qarshi kurash, chuchuk suv tanqisligi, energiyaning yetishmovchiligi muammolarini hal qilish, butun dunyoda sog'liqni saqlash bilan bog'liq masalalarni qamrab oladi.

Atrof-muhitning ifloslanishi oqibatida kelib chiqadigan kasalliklar tufayli har yili sayyoramizda kamida besh yarim million kishi vafot etadi. 2050-yilda bu raqam 6 million kishidan ortib ketishi aytilmoqda. Havoning ifloslanishi oqibatida yuz beradigan o'limga ko'ra, 1970-yildan buyon dunyoda yovvoyi hayvon va qushlarning soni 3,43 ming turga, tirik sayyoraning indeksi esa 52 foiz (havo va quruqlikda yashaydigan jonivorlar turi 76 foiz, yer usti va suvda yashovchilar soni 39 foiz)ga qisqargan. Har yili 11 million gektar tropik o'rmon kesilmoqda. Yo'qotishlar o'rmonlarni tiklash ishlariga nisbatan 10 barobar ko'pdir. Har kuni atmosferaga 60 million tonnaga yaqin karbonat angidrid chiqarilishi dunyo okeanidagi suv sathining ko'tarilishiga olib kelmoqda. Havo tarkibida karbonat angidridning oshishi, chiqindi gazlarning me'yorida ortiq havoga chiqarilishi oqibatida issiqxona effekti hosil bo'lmoqda. Shuningdek, ozon qatlaminin yemirilishi, dunyo okeanining ifloslanishi, tuproq unumdor qatlaminin yo'qolib borishi, tropik o'rmonlarning kesilishi, cho'lanlash, chuchuk suv manbalari va bioxilma-xillikning kamayishi, maishiy chiqindilarning ko'payishi, kimyoviy va toksik moddalarni zararsizlantirish kabi ekologik inqirozlar allaqachon bir davlat chegarasidan chiqib, tom ma'noda global ekologik muammolarga aylandi.

O'zbekiston iqlim o'zgarishlari bo'yicha Parij bitimiga qo'shildi, mam-lakatda Ekologik ta'limni rivojlantirish konsepsiyasi amalga oshirilmoqda. Mam-lakatimizda aholining qulay tabiiy muhitda yashash huquqini ta'minlash maqsadi-

da yer, suv, o'rmon, yer osti boyliklari, atmosfera havosini, o'simlik va hayvonot dunyosini muhofaza qilish, ulardan samarali foydalanish hamda cho'lanlashga qarshi kurashish, yerlarning degradatsiya jarayonlarini va biologik xilma-xillikning yo'qotilishini to'xtatish bo'yicha qator ishlar qilinmoqda.

Yuqorida aytib o'tilgan ekologik muammolarga ijobiy yechim topish maqsadida Samarqand davlat universiteti professor-o'qituvchilari Samarqand shahridagi qator sanoat korxonalariga borib, atrof-muhitga chiqayotgan zaharli gazlar hamda chiqindilarni kamaytirish maqsadida uchrashuvlar tashkil qildi.

Hozir viloyatimizda Samarqand shahri, Kattaqo'rg'on, Past Darg'om tumanlarida bir nechta sement va shifer ishlab chiqarish korxonalariga borib, atrof-muhitga ekologik oqibatlar me'yori loyihalarda belgilangan tartibda davlat ekologik ekspertizasi ijobiy xulosalari olgan. Ekologik ekspertiza xulosalari talablarini bajarish holda atmosfera havosiga tashlamalar 97-99,5 foiz samaradorlikka ega bo'lgan chang-gaz tozalash uskunalarini bilan jihozlangan va doimiy nazoratga olingan. Viloyat ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o'zgarishi boshqarmasi tomonidan ushbu korxonalar atrofida doimiy monitoring kuzatuvlari tashkil qilingan, ularning atrofidan olingan namunalarda atmosfera havosi-ga tashlamalar miqdori belgilanganidan oshmaganligi qayd etilgan. Atrof-muhitga zarar yetkazishning oldini olish maqsadida korxonalar atrofida "yashil belbog'" tashkil qilish ishlari olib borilmoqda. Shuningdek, atrof-muhitga ta'siri bo'yicha 1-2-toifaga mansub korxonalarda avtomatlashtirilgan monitoring tizimlarini tashkil etish bo'yicha 19 ta xo'jalik yurituvchi subyektni murojaat etildi va nazoratga olindi.

Resurslarni hozirgi sur'at va hajmlarda iste'mol etishimizni, mahsulot ishlab chiqarishda davom etaversak, kelajakda bizga hozirgi yer sharimizning kattaligidagi yana uchta yer shari kerak bo'ladi. Jahon yovvoyi tabiat (WWF), Global Footprint Network jamg'armalari va Londoning zoologik jamiyati mutaxassislari o'tkazgan tadqiqotga ko'ra, 1970-yildan buyon dunyoda yovvoyi hayvon va qushlarning soni 3,43 ming turga, tirik sayyoraning indeksi esa 52 foiz (havo va quruqlikda yashaydigan jonivorlar turi 76 foiz, yer usti va suvda yashovchilar soni 39 foiz)ga qisqargan. Har yili 11 million gektar tropik o'rmon kesilmoqda. Yo'qotishlar o'rmonlarni tiklash ishlariga nisbatan 10 barobar ko'pdir. Har kuni atmosferaga 60 million tonnaga yaqin karbonat angidrid chiqarilishi dunyo okeanidagi suv sathining ko'tarilishiga olib kelmoqda. Havo tarkibida karbonat angidridning oshishi, chiqindi gazlarning me'yorida ortiq havoga chiqarilishi oqibatida issiqxona effekti hosil bo'lmoqda. Shuningdek, ozon qatlaminin yemirilishi, dunyo okeanining ifloslanishi, tuproq unumdor qatlaminin yo'qolib borishi, tropik o'rmonlarning kesilishi, cho'lanlash, chuchuk suv manbalari va bioxilma-xillikning kamayishi, maishiy chiqindilarning ko'payishi, kimyoviy va toksik moddalarni zararsizlantirish kabi ekologik inqirozlar allaqachon bir davlat chegarasidan chiqib, tom ma'noda global ekologik muammolarga aylandi.

O'zbekiston iqlim o'zgarishlari bo'yicha Parij bitimiga qo'shildi, mam-lakatda Ekologik ta'limni rivojlantirish konsepsiyasi amalga oshirilmoqda. Mam-lakatimizda aholining qulay tabiiy muhitda yashash huquqini ta'minlash maqsadi-

Ergash QOBILOV,
Samarqand davlat universiteti kafedra mudiri, professor.
Dilbar YARMAOVA,
qishloq xo'jalik fanlari nomzodi, dotsent.

Хислатлари ибрат эди

Учинчи даражали давлат адлия маслаҳатчиси
Бахтиёр Нурмухаммедовни йўқлаб

Ҳамкасбларимиз ўзаро суҳбатда Бахтиёр Ғафоровични туғма ҳуқуқшунос деб таърифлашарди. Бу бежиз эмас. Бахтиёр ака соҳага оид қонуни ва қонуности ҳужжатларини, кодекслардаги турли ҳолатларни билар, жуда яхши тушунар ва ниҳоятда оддий қилиб тушунтириб бера оларди. Нафақат Ўзбекистон қонунчилиги, балки хорижий давлатлар қонунчилигини ҳам яхши биларди.

Б.Нурмухаммедовнинг яна бир ибрати у кишининг жуда маданиятли муомаласида, одамларни севишида, ҳамкасбларини ҳурмат қилишида эди. Шунинг учун ҳар қандай даврага ҳам у киши бемалол қўшилиб кетар, одамларни чин юракдан эшита оларди. Бинобарин, атрофидаги ҳамкасблар ёки бошқалар қаттиққўл прокурор билан суҳбатлашадан чўчимасди.

Дарвоқе, қаттиққўл деганимизда биз қатъият ва ички интизомни назарда тутдик. Бахтиёр Ғафоровичнинг тадбирларга кекикиб келганини ҳеч ким эслай олмайдим. Зотан у кишининг ўзи ҳам йиғилишни айтилган пайтда бошларди. Бундай хислатлар ота-онасидан ўтган бўлса ажабмас.



Эса ор-номус, инсоф ва адолат эди. Бахтиёр Ғафорович тартиб-интизом, ички интизомга қатъий бўйсуниб яшаган ва буни бошқалардан ҳам талаб қилган инсон. Бу ҳамкасбимиз прокурор назоратини ташкил этишда, кадрлар танловида оид масалаларда фикри раҳбарлар хулосасига тўғри келган ҳолда ҳам ўз қарашларидан чекинмаган. Чунки ҳар бир масала юзасидан хулоса чиқарганда унинг барча томонини атрофида ўрганган. Айнан ана шу фидойи инсоннинг жонқуярлиги туфайли турли низола, иккиланган бўлган чоғда қўллаб-маълум қилган прокурорлар, терговчилар ўз лавозимларини сақлаб қолганлар ва

бугун ҳам тизимда шараф билан ишламоқдалар. Бахтиёр Ғафорович ҳар қандай ҳолатда ҳам виждонига, иродасига қарши хулосани қабул қилмасди.

1999 йил 16 февралда Тошкентдаги террорчилик ҳужумлари, 2005 йил Андижон воқеалари, Сурхондарё вилоятидаги террорчи гуруҳлар босқини каби жиддий ҳолатларда тергов гуруҳларида у киши раҳбарлик қилди. Энг назик пайтда юртга садоқатини кўрсата олди. Ҳар бир масалани атрофида ўрганиб, адолатли хулосалар чиқаришда ёрдам берди.

Фақат бугина эмас, Бахтиёр Ғафорович илми, халқроқ ҳуқуқ илмини ҳам пухта билган ҳамкасбимиз эди. У БМТ, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг қўллаб-қувватловчи аъзолари бўлиб, маърузалар билан қатнашган.

Б.Нурмухаммедов ҳаёт бўлганида етмиш ёшга тўларди. Фидойи ҳамкасбимизнинг ибратли ҳаёти, хислатлари тизимдаги барча олимларга бундан кейин ҳам чинакам мактаб бўлиб қолишига ишонамиз.

Эркин АБЗАЛОВ,
учинчи даражали давлат адлия маслаҳатчиси,
Муродқосим ЭШНАЗАРОВ,
Самарқанд вилояти прокурори, адлия қатта маслаҳатчиси.

РЕКЛАМА, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

ISHGA JALB QILISH BO'YICHA TANLOV E'OLON QILINADI!

Davlat aktivlarini boshqarish agentligi huzuridagi Davlat mulki obyektlaridan samarali foydalanish markazi Samarqand viloyati hududiy boshqarmasi fuqarolik-huquqiy xususiyatga ega shartnoma asosida 2 nafar mutaxassislarni ishga jalb qilish bo'yicha tanlov e'lon qiladi.

Tanlovda qatnashish uchun nomzodlar Samarqand shahri Spitamen shohko'chasi, 157-"A" uy manziliga 2025-yil 6-iyungacha qadar ma'lumotnomasi (spravka - obyektivka), ma'lumoti to'g'risida (diplom) va ish faoliyati (mehnat daftarchasi) nusxalarini yuborishlari lozim.

Yuborilgan hujjatlar ko'rib chiqilib, ma'qul bo'lganda, nomzodlar hududiy boshqarmaga suhbatga taklif etiladi. Nomzodlar orasidan eng munosib nomzod suhbat asosida komissiya tomonidan tanlab olinadi va u bilan 1 yil muddatga fuqarolik-huquqiy xususiyatga ega shartnoma tuziladi. Shartnomaga muvofiq, bajaradigan ish natijalariga qarab ish haqi belgilanadi.

Nomzodlarga qo'yiladigan talablar:

Davlat mulki obyektlarini xatlovdan o'tkazish va samarali foydalanishni tashkil etish shubasi mutaxassisi (2 nafar) uchun:

- iqtisodiyot, moliya, kadastr mutaxassisliklari yoki yuridik yo'nalishlar bo'yicha bakalavr darajasiga ega bo'lishi (sohadagi tajribasi inobatga olingan holda, sohada kamida 1 yil ishlagan va boshqa muta-

xassisliklar ham qabul qilinishi mumkin);
- "Davlat fuqarolik xizmati to'g'risida"gi Qonundan xabardor bo'lishi;

- strategik va tahliliy fikr yurita olish, qarorlarni tez qabul qila olishi hamda ularni bajara olishi;

- davlat tilini mukammal bilish (rus, ingliz va boshqa tillarni bilish afzallik hisoblanadi);

- normativ-huquqiy hujjatlarni tushunishi, ular bilan ishlash va ijrosini nazorat qilishni bajara olishi;

- "Word", "Excel" dasturlarda ishlay olishi va internet tarmog'ida mustaqil foydalanish bo'yicha ko'nikmaga ega bo'lishi.

Tanlovda ishtirok etishni istagan nomzodlar (Samarqand shahri Spitamen shohko'chasi, 157-"A" uy) Davlat mulki obyektlaridan samarali foydalanish markazi Samarqand viloyati hududiy boshqarmasiga xabarnoma e'lon qilingan kundan boshlab, rasmiy ish kunlari soat 9:00 dan 18:00 gacha (13:30 dan 14:30 gacha tushlik vaqti) murojaat etishlari mumkin.

Mas'ul xodimlar bilan bog'lanish uchun +99893-837-26-26 telefon raqamiga qo'ng'iroq qilishingiz mumkin.

DA'VOLAR BO'LSA...

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Rahimova Komila Faxriyevna notarial idorasida marhum Saliyev Akimga (2008-yil 25-oktabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Rahimova Komila Faxriyevna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Abdurahmon Jomiy ko'chasi, 51-uy.

Payariq tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Ortiqboyev Aziz Azamatovich notarial idorasida marhum Xolbekov Xayitboyga (2024-yil 15-avgustda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilgan. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Ortiqboyev Aziz Azamatovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Payariq tumani Chelak shaharchasi, Istiqloq ko'chasi, 73-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Ahmedova Farangiz Aslamovna notarial idorasida marhum Djumakulov Irgashga (1993-yil 6-iyulda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Ahmedova Farangiz Aslamovna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Lutfiy ko'chasi, 80-uy.

Payariq tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Muhammadiyev Farhod Jo'raqulovich notarial idorasida marhum Davirov Ubaydullo Sulaymonovichga (2022-yil 27-fevralda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilgan. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Muhammadiyev Farhod Jo'raqulovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Payariq tumani Chelak shaharchasi, Istiqloq ko'chasi, 73-uy.

Payariq tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Ortiqboyev Aziz Azamatovich notarial idorasida marhum Mamatov Egamberdiga (2020-yil 10-iyunda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilgan. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Ortiqboyev Aziz Azamatovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Payariq tumani Chelak shaharchasi, Istiqloq ko'chasi, 73-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Xodjavey Farrux Farxodovich notarial idorasida marhum Kaxarov Abdurasul Shukurovichga (2020-yil 31-iyulda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Xodjavey Farrux Farxodovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Chuqur yo'l ko'chasi, 9-"B" uy.

Oqdaryo tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Sadullayev Jamshidxon Safoxonovich notarial idorasida marhum Sherkulov Usmon Muminovichga (2023-yil 19-yanvarda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Sadullayev Jamshidxon Safoxonovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Oqdaryo tumani Loyish shaharchasi Amir Temur ko'chasi.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Yusupova Dilsura Hasanovna notarial idorasida marhum Asadov Nabillo Gaybulloyevichga (2024-yil 16-aprelda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Yusupova Dilsura Hasanovna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Abdurahmon Jomiy ko'chasi, 64-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Saidova Zarina Xisravovna notarial idorasida marhum Chekashkin Ignat Mixaylovichga (2017-yil 22-mayda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Saidova Zarina Xisravovna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Abdurahmon Jomiy ko'chasi, 64-uy.

Toyloq tumanida xizmat safaridagi Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Tursunov Suhrob Berdiqulovich notarial idorasida marhum Nasimova Xosiyatga (2024-yil 2-dekabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Tursunov Suhrob

Berdiqulovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Toyloq tumani Beruniy ko'chasi.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Yusupova Iroda Rustamovna notarial idorasida marhum Xamidova Mavluyda Samadovna (2021-yil 16-avgustda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Yusupova Iroda Rustamovna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Bog'dod ko'chasi, 1-uy, 3-xona.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Aminov Mashhurjon Yusufovich notarial idorasida marhum Mavlonova Iroda Narzikulovna (2014-yil 17-noyabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Aminov Mashhurjon Yusufovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Sug'diyona maskani, 14/12-uy.

Jomboy tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Mamatqulov Otabek Bolbekovich notarial idorasida marhum Tursunov Jura Turayevichga (2025-yil 14-yanvarda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Mamatqulov Otabek Bolbekovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Jomboy tumani Saroy ko'chasi, 15-uy.

Payariq tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Toshtemirov Alisher Po'latovich notarial idorasida marhum Kadirova Gulmira Adilovna (2024-yil 10-dekabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilgan. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Toshtemirov Alisher Po'latovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Payariq tumani Chelak shaharchasi, Obod ko'chasi, 3-uy, 35-xona.

BEKOR QILINADI
Samarqand shahridagi "SAIOR" mas'uliyati cheklangan jamiyatining (STIR: 200611365) dumaloq muhi va burchak tamg'asi yo'qolganligi sababli bekor qilinadi.

Информатика ва ахборотлаштириш технологиялари соҳаси билимдони

Самарқанд давлат университети ўзининг илм-фан йўлида жонбозлик қилиб келаётган олимлари билан ҳам машҳур. Шундай олимлардан бири профессор Исроил Жуманов бугун таваллуд айёмини нишонламоқда.

Исроил Жуманов 1944 йилда Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани Қўйтош шаҳарчасида туғилган. Шаҳардаги 7-ўрта мактабни аъло баҳоларга битиргач, 1963 йилда Пенза политехника институтига ўқишга кирди. Талабалик давридан илмий изланишлар олиб боришни мақсад қилди. Шу мақсадда дастлаб Ўзбекистон Фанлар академияси Кибернетика институти муҳандиси, кичик илмий ходими, аспиранти бўлди. Илм йўлида ўқиди, изланди, машаққат чекди. Аспирантурани битиргач, 1974 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Кибернетика институти Самарқанд филиалига раҳбарлик қилди.

1986 йилдан олимнинг педагогик фаолияти Самарқанд давлат университети билан боғланди. Университетнинг математик мантиқ ва программалаштириш кафедраси ассистенти, доценти, профессори, кафедра мудири, илмий ишлар бўйича проректори, ахборотлаштириш технологиялари кафедраси мудири, кафедра профессори вазифаларида меҳнат қилди. Айни кунда университетнинг сунъий интеллект ва ахборот тизимлари кафедраси профессори лавозимида ишлаб келмоқда.

Исроил Жуманов 1974 йилда техник тизимларда бошқаруш ихтисослиги бўйича номзодлик, 1988 йилда докторлик диссертациясини

химоя қилди.

Таниқли олим, юқори малакали мутахассиснинг илмий-тадқиқотлари натижалари ва илмий ишлари Марказий Осиё минтақасида автоматлаштирилган бошқариш тизимлари ва ахборотлаштириш технологиялари бўйича шуғулланганидан халқаро илмий ҳамжамият олимлари томонидан эътироф этилган.

Унинг раҳбарлигида 30 нафар фан номзоди ва бир нафар фан доктори тайёрланди. Ахборот технологияларининг долзарб масалаларига бағишланган 4 та монография, 35 дан ортиқ ўқув қўлланма ва илмий-усlubий кўрсатмалар, 900 дан ортиқ илмий мақолаларга муаллифлик қилди. 38 та илмий мақола Скопус базаси журналларида, 350 дан ортиқ мақолалари республика ва хорижий мамлакатларнинг илмий журнал ва тўпламларида чоп этилди.

Олимнинг 15 та илмий ишланмаларига Давлат патент идораси гувоҳномалари олинган. АҚШ, Германия, Голландия, Жанубий Корея, Россияда ўтказилган халқаро илмий анжуманларда 40 дан ортиқ маърузалари билан иштирок этган. У 5 та электрон дарслик, амалиёт ва лаборатория машғулоти бўйича 15 дан зиёд услубий кўрсатмалар ишлаб чиққан ва амалиётга жорий қилган.

И.Жуманов университетда



рақамли технология факультети ва унинг кафедралари яратилишига асос солди. Ҳозирги ахборотлаштириш технологиялари кафедрасини тубдан янгилади. Ушбу кафедра сўнги 25 йил мобайнида Ўзбекистон ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги минтақасида "Информатика ва ахборотлаштириш технологиялари" илмий йўналиши бўйича юқори малакали мутахассисларнинг шаклланишида муносиб ўрин эгаллади ва бу асосида илмий мактабга асос солинди.

Устозга 1996 йилда университет томонидан "Хизмат кўрсатган профессор" фахрий унвони берилди.

Устоз кейинги 5 йиллик педагогик фаолиятида замонавий ахборот-педагогик технологиялар ва талабаларга билим беришнинг интерфаол усулларини яратишга катта эътибор бериб келмоқда.

Домла нафақат кўп қиррали олим, моҳир педагог, жонқуяр устоз, балки ибратли оила бошлиғи ҳамдир. У 2 нафар фарзанднинг отаси, 5 нафар неваранинг бобоси. Фарзандлари ҳам бугун эл-юрт хизматиди.

Исроил Жуманов яқинда табаррук 81 ёшга қарши олди. Устозни ушбу кўтлуг айёми билан табриклаймиз, у кишига мустаҳкам соғлиқ, барақали умр тилаймиз.

Рустам ХОЛМУРОДОВ,
Самарқанд давлат университети ректори,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби.

Бухоро ўз номини абадиятга муҳрлаган алломалар, илм-маърифат фидойилари, уламо-ю олимлар юрти. Ана шундай шариф маконда камол топган олимлардан бири Самарқанд давлат медицина университети профессори Наим Содиқовдир.

Бухорода илдиз олиб, Самарқандда сайқалланган олим

Содиқов Наим Очилович 1945 йил 8 июнда Бухоро вилояти Шофиркон тумани, Тезгузар қишлоғида туғилган. 1961 йилда Бухоро (ҳозирги Навоий) вилояти Қизилтепа туманидаги 27-ўрта мактабни аъло баҳоларга битирди.

Аниқ фанларга бўлган қизиқиш уни Бухоро давлат педагогика институти (ҳозир университет)га етказди. 1966 йилда мазкур олийгоҳнинг физика-математика факультетини муваффақиятли тамомлаб, илк меҳнат фаолиятини ўзи тахсил олган мактабда ўқувчиларга физика ва математика фанлари бўйича дарс беришдан бошлади. Тез орада ҳарбий хизматга сафарбар қилиниб, Украинанинг Новоград-Вольнский ва Кременец шаҳарларида аскарлик бурчини ўтаб қайтди. 1968 йилнинг бошидан мактабда фаолиятини давом эттирди.

1968 йилда ёш мутахассисни физика-математика фанлари номзоди, доцент Ракул Маликов Самарқанд давлат тиббиёт институтининг физика кафедрасига ассистентликка таклиф этди. 1981-1984 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Ядро физикаси институти аспирантурасида ўқиб, институт қошидаги ихтисослашган илмий кенгашида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик Улуғ Ғуломов раҳбарлигида "Кичик импульс берилганда икки гулюонли алмашинув моделидаги дифракцион жараёнлар" мавзусида номзодлик диссертациясини химоя қилди. 1990 йилда олийгоҳнинг тиббий ва биологик физика кафедрасига катта ўқитувчи, 1992 йилда шу кафедра доценти лавозимига сайланди. 1998-2005 йилларда тиббий ва биологик физика, математика ва информатика кафедраси мудири, 2005-2020 йилларда тиббий ва

биологик физика курси мудири, тиббий ва биологик физика кафедраси мудири лавозимида меҳнат қилди. Н.Содиқовнинг ташаббуси билан физика, биофизика ва тиббий физика кафедраси ташкил этилиб, ўзи ушбу кафедрага мудирилик қилди. Устоз 2021 йилдан ҳозиргача Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий кенгаши томонидан профессор унвони берилди.

2024 йилда Наим Очиловичга Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий кенгаши томонидан профессор унвони берилди.

Наим Очилович Самарқанд давлат тиббиёт институти ички назорат ва мониторинг бўлими инспектори, институт ўқув бўлими бошлиғи, мураббийлар кенгаши раиси вазифаларини ҳам сидқидилдан бажарди. Домла 57 йиллик педагогик фаолияти давомида илмий тадқиқот ишларини ҳам олиб борди. 300 га яқин мақола ва тезислар, иккита дарслик, саккизта ўқув қўлланма, иккита илмий оммабоп рисола, иккита монография, 45 та ўқув-усlubий қўлланма чоп эттирди. Устоз Ўзбекистон Ядро физикаси институти, физика техника институти, "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси олимлари - академиклар Б.Юлдошев, Қ.Ғуломов, Т.Мўминов, профессорлар М.Мухиддинов, У.Солихбоев, С.Лутфуллаев, А.Саидов, Қ.Олимов, Э.Бозоров, Қ.Ражабов, доцент Эргаш Очил, шоир Азиз Саидлар билан илмий ва ижодий дўстона муносабатларни ўрнатди. Уларнинг илмий, педагогик ва ижодий таърихларидан ибрат олди.

Н.Содиқов меҳнат фаолияти давомида ҳуқуқимиз ҳамда вазирилик-



нинг бир неча бор фахрий ёрлиқлари, "Соғлиқни сақлаш аълочиси", "Халқ таълими аълочиси", "1 даражали меҳнат фахрийси кўкрак нишонлари билан тақдирланди.

Устоз ишдан ажралмаган ҳолда 1993-1998 йилларда Самарқанд шаҳридаги "Севали ота" маҳалла фуқаролар йиғинига раислик қилди. Маҳалла ободлигига ҳисса қўшди, Севали ота мақбарасини тиклашга бош-қош бўлди. Самарқанд шаҳар нурунийлар кенгаши аъзоси сифатида маҳалладаги эзгу ишларга бошчилик қилмоқда. Наим Очилович турмуш ўртоғи Рўзигул Содиқова билан тўрт фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Ушлаб набира ва эвараларни ҳам Ватанга содиқ ва жонқуяр инсонлар қилиб тарбияламоқда.

Фидойи олим, жонқуяр мураббий Наим Содиқовнинг юртига, халқига меҳри ва садоқати унинг тинимсиз илмий изланишлари, машаққатли тадқиқотларида мужассам бўлди. Бугун ўзининг 80 ёшини нишонлаш арафасида турган устознинг ушбу хислатлари бугунги ёш олимлар учун ибрат бўлишга арзийди.

Жаҳонгир МАМАТҚУЛОВ,
техника фанлари доктори,
профессор,
Шокир ҲОҚОВ,
Самарқанд давлат медицина университети доценти.

Yozgi ta'til — bolalar uchun eng sevimli dam olish, erkinlik va o'yin-kulgiga boy davr. Shu bilan birga, bu vaqt ota-onalar va ustozlar uchun ham muhim davr bo'lib, bolalarning bilim va ko'nikmalarini mustahkamlash, ijodiy salohiyatini rivojlantirish imkoniyatini beradi. Ayniqsa, boshlang'ich sinf o'quvchilari bilan to'g'ri va mazmunli shug'ullanish ularning kelajakdagi o'qishga bo'lgan munosabatini shakllantirishda muhim o'rin tutadi.

Yozgi ta'tilda o'quvchilar bilan qanday shug'ullanish kerak?

O'YIN ORQALI O'RGATISH

Yosh bolalar ko'proq o'yin orqali bilimni qabul qiladi. Shu bois yozgi ta'til paytida o'quv elementlari bilan boyitilgan o'yinlar tashkil qilish foydali bo'ladi. Masalan, so'z topish, boshqotirmalar yechish, rangli koptoklar yordamida sonlarni sanash yoki harflarni o'rganish mumkin.

KITOB O'QISH VA MUHOKAMA QILISH

Bolalarda kitobga bo'lgan mehnri erta yoshdanoq shakllantirish kerak. Yozgi ta'tilda har kuni ertak yoki kichik hikoyalar o'qib berish, o'qilgan asar ustida savol-javoblar o'tkazish, rasm chizish yoki rolda o'ynash orqali matnning tushunishini tekshirish mumkin.

IJODIY MASHG'ULOTLAR

Bolalar o'z his-tuyg'ularini ijod orqali ifoda etishga qiziqadi. Ular bilan rangli qog'ozlardan turli buyumlar yasash, rasmlar chizish, bo'yash va sahna ko'rinishlarini sahnalashtirish kabi faoliyatlarni amalga oshirish yaxshi samara beradi.

TABIAT QO'YINIDA O'RGANISH

Yoz — ochiq havoda ko'p vaqt o'tkazish uchun eng yaxshi fasl.

Tabiatda sayr qilish orqali o'simliklar, qushlar va hayvonlar haqida suhbatlar qilish, turli tajribalar o'tkazish (masalan, suv va tuproq bilan), rasm chizish yoki ertak to'qish kabi mashg'ulotlar o'tkazish mumkin.

OILA BILAN VAQT O'TKAZISH

Oila davrasida o'tkazilgan har bir daqiqa bolada ishonch, mehr-muhabbat va qadriyatlarining shakllanishiga xizmat qiladi. Shuning uchun, birga pazardalik qilish, uy ishlarida yengil yordam so'rash, ertak aytib berish, qo'shiq kuylash, milliy o'yinlar o'ynash foydalidir.

KICHIK MAS'ULIYATLAR YUKLASH

Yozgi ta'tilda bolalarga kichik vazifalar berish (kitob o'qish, kundalik tutish, gullarni sug'orish) orqali ularning mustaqilligini oshirish mumkin. Bular bolalarning dunyoqashini kengaytiradi. Ularda bilim olishga bo'lgan ishtiyoqni oshiradi.

Sohiba SAYFIYEVA,
Samarqand shahridagi 24-umumiy o'rta ta'lim maktabi o'qituvchisi.

Mahorat markazi tinglovchilariga sertifikat topshirildi

Viloyat matbuot uyida "Ommaviy axborot vositalariga yosh kadrlarni jalb etish — tajriba va amaliyot" mavzusida davra suhbatini o'tkazildi.

O'zbekiston jurnalistlar uyushmasi viloyat bo'limi raisi A.Haydarov, O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan jurnalist F.Toshev, viloyat axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasi boshlig'i Mannob Ibodullaev bugungi kun jurnalistikaga qo'yilayotgan asosiy talablar, viloyatdagi ommaviy axborot vositalarining kadrlarga bo'lgan ehtiyoji va xodimlar bilim, malakasini oshirish borasidagi ishlar haqida so'z yuritdilar.

Tadbirda uyushma viloyat bo'limi huzuridagi "Jurnalistik mahorat maktabi"ning bu yilgi 15 nafar tinglovchilariga 6 oylik kursni muvaffaqiyatli bitirgani to'g'risida sertifikat topshirildi.

— Biz bu yerda nazariy bilimlarimiz, amaliy ko'nikmalarimiz orqali



jurnalistika nima ekanligini angladik, — deydi Malika Rahmonova. — To'g'risi, shu sohaga qiziqishim meni Samarqand davlat chet tillar institutining xalqaro jurnalistika yo'nalishiga yetakladi. Darsdan keyin "Jurnalistik mahorat maktabi"ga qatnab, qo'shimcha bilimlarga ega bo'ldim. Eng muhimi,

mashg'ulotlar amaliyot bilan birga olib borilgani kasb ko'nikmalarini egallashimizga yordam berdi.

Davra suhbatida bir guruh ijodkorlarga O'zbekiston Jurnalistlar uyushmasiga a'zolik guvohnomasi va ko'krak nishoni topshirildi.

Husan ELTOYEV.

"Bor mehrimiz senga, bolajon!"

Samarqand shahridagi "Yoshlik" istirohat bog'ida shu nomli donorlik aksiyasi bo'lib o'tdi. Viloyat qon quyish markazi tashabbusi bilan tashkil etilgan aksiyada viloyat ichki ishlar, favqulodda vaziyatlar boshqarmalari xodimlari hamda ko'ngillilar ishtirok etdi.

Bir tomchi qon kim uchundir hayot demakdir. Shu bois donorlik — sharafli yordam, mislsiz savob, xayrli ehson. Shuni anglagan xodimlar bemor bolajonlar uchun ko'ngilli ravishda qon topshirdi.

Zarifa QAYUMOVA,
viloyat qon quyish markazi shifokori.



MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 14 470 nusxada chop etildi. Buyurtma 262. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti:

soat 18:30 da.

Bosishga topshirildi:

soat 19:00

Navbatchi muharrir:

A.SHERXOLOV.

Navbatchi:

T.SIDDIQOV.

Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling

Sotuvda narxi kelishilgan holda

ISSN-201667X

ISSN-201667X



9 1772010667009

Sotuvda narxi kelishilgan holda